O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 14 июль, чоршанба • № 56 (11.139) • Эркин нархда сотилади

МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ТАШАББУС ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

ВАЗИРЛАР Маҳкамасида Маънавият-маърифат республика Кенгаши ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда гуруҳ аъзолари — давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар, қўмиталар, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов олиб борди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари «Ҳушёрликка даъват» номи билан алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Унда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш, аҳолини, айниқса ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш бўйича билдирилган теран фикр-мулоҳазалар, кўрсатмалар барчамизни бу борада чуқур мушоҳада юритишга ва амалий ишларга ундамоқда. Ташаббус гуруҳининг мажлиси ҳам мазкур масалалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Мажлис қатнашчилари шуни қайд этишдики, бугунги кунда мафкуравий кураш нафақат мамлакат ичида, балки халқаро миқёсда ҳам кескин паллага кирди.

Бугун кимнинг мафкураси, маънавияти, миллий ғояси қудратли бўлса, ўша енгиб чиқади. Президентимиз Ислом Каримов ўз асарларида бир неча бор уқтириб ўтганидек, «мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир». Ҳозирги вазиятда қурол-яроғ билан эмас, балки «фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат» билангина курашиб, олға бориш мумкин.

Сўзга чиққанлар мустақил демократик ва фуқаролар дунёвий жамиятини барпо этиш йўлида халқимиз эришаётган ютуқларни, тинч-осойишта турмушимизни кўролмаётган ғаламис кучларнинг хавфсизлигимизга раҳна солиб, ёшларимизни йўлдан уриш, уларнинг онгига бизга ёт бўлган ақидаларни сингдириш борасидаги хатти-ҳаракатларининг пайини қирқиш жамоат ташкилотлари олдида турган долзарб вазифа эканлигини таъкидладилар. Мазкур соҳада муайян ишлар амалга оширилаётганини эътироф этган ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот масалаларида ўзибўларчиликка йўл қўйилаётгани, бу муҳим ишда тарқоқлик, эътиборсизлик, тасодифий тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолинаётгани-

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ҚУЙИЧИРЧИҚ

Қуйичирчиқ тумани ҳақида гап кетганида аввало, бу ернинг бир-бирига қадрдон, бир-бирига ҳамдам, меҳнаткаш, тинч, осойишта яшаб, эл-юрт манфаати йўлида астойдил тер тўкиб, умргузаронлик қилаётган турли миллат вакиллари кўз олдингизга келади. Кейинги йилларда туманни обод қилиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга оид бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Маданий-маиший иншоотлар қурилмоқда, кўчалар кенгаймоқда, хиёбонлар, белгиланган қурилиш мажмуалари бунёд этилмоқда. Аҳолига тиббий, маиший ҳамда савдо хизмати кўрсатиш ишлари астасекинлик билан бўлса-да, тобора яхшиланиб бормоқда.

(Туманда юз бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида газетанинг 2-саҳифасида батафсил ҳикоя қилинади).



Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба хўжалиги ғаллакорлари ўрим-йиғим ишларини жадал суръатлар билан давом эттириб, кўзланган маррани эгалладилар.

СУРАТДА: 6-бўлим бошқарувчиси Тўйчи Пардаев ва ҳосилот Тоҳир Ҳайдаровлар ҳосил чўғидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

Ўтаётган ҳар бир кунимиз истиқлолимиз байрамининг саккиз йиллиги шодиёналарига тобора яқинлаштирмоқда. Яна 48 кундан сўнг мамлакатимиз халқи бу улуғ байрамни тантанавор нишонлайди.

Саккиз йил... Тарих силсиласида қисқа бир муддат. Лекин биз учун унинг ҳар бир куни яшаш, яратиш, кураш лаҳзалари бўлиб , умримиз саҳифаларида кўчмас из қолдирди. Истиқлол кишиларимизнинг маънавий қиёфасини, турмуш тарзини, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартирди.

Таҳририятимиз ушбу катта байрам арафасида ватандошларимизга бир нечта саволлар билан мурожаат этди. Унда ўз жавоблари билан қатнашаётган ҳамюртларимизнинг дил сўзлари мустақиллик, ўтмиш, ҳозир ва келажак, ислоҳотлар самараларига, қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларга берилаётган юксак баҳодир.

Биринчи суҳбатдошимиз таниқли фантаст адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Сирли олам» ойномасининг бош муҳаррири ***Ҳожиакбар ШАЙХОВ:***

1. Ўзбекистон мустақилликка эришганига саккиз йил тўлади. Келинг, истиқлолнинг илк кунларига қайтайлик. Ўшанда дилингиздан қандай ўйлар кечган эди?

2. Сизнингча, инсон учун энг муқаддас неъмат нима?

3. Мустақиллигимиз кўз ўнгимизда камолга етиб бораяпти. Унинг янада равнақ топиши учун сиз қандай ҳисса қўшяпсиз?

1. Президентимиз кўҳна юртимизни мустақил деб эълон қилган куни осмону фалакка дафъатан мушаклар отилиб, ҳаммаёқ нурафшон бўлиб кетгандай туюлди. Аксарият юртдошларимиз қатори миямда «Ё фалак, тушимми, ўнгимми?» деган ажиб бир савол чарх уриб айланди.

Ҳар қандай орзу инсон кўнглида бир кунда туғилмайди. Лекин ўша куни дилимда илк бор ниш урган орзу-умидларни таъриф-тавсиф этишга ожизман. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтирмайман. Аммо илк бор кўнглимдан: «Ниҳоят, биз ижодкорларнинг ҳам кўчасида байрамнинг бошланиши бу. Сўз эркинлигининг бошланиши бу», деган ўй кечди.

Ўша пайтларда биз «Сирли олам» ойномасининг илк сонларини чоп этаётган, шўролар ҳукумати томонидан катта тўсиқларга дуч келиб, кўп қийинчиликларни бошимиздан кечираётган эдик. Чиндан ҳам оз фурсатдаёқ орзуларимиз ушала бошлаганининг гувоҳи бўлдик. Ойномамиз саҳифаларида коммунистик фирқа томонидан узоқ йиллар мобайнида узлуксиз таъқиб-тазйиқ қилиб келинган илоҳиёт илмлари, кўҳна диний таълимотлар, метафизика, тасаввуф, таҳайюлот, нужунослик (уфология), алкимё, илми нужум (астрология), парапсихология, халқ табобати, футурология (истиқболшунослик), хиромантия (кафтдаги изларга қараб инсон тақдирини башорат қилиш), кароматгўйлик ва бошқа мавзулардаги мақолалар, суҳбатлар, очерк ва илмий-бадиий асарларни бемалол чоп этишга киришдик. Орадан икки йил ўтмай ойномамизнинг иловаси — «Қалб кўзи» ҳафтаномасини чоп эта бошладик. Дастлабки режа-ниятимиз бўйича бу нашр дунёни қалб кўзи орқали идрок этиш, инсон руҳиятининг ҳадсиз-ҳудудсиз сирсиноатлари ҳақида ҳикоя қилиши, меҳнаткаш халқимиз маънавият ва маърифатини юксалтириб, уни моддиюнчиликнинг тор ва бир ёқлама қарашлари доирасидан олиб чиқишга хизмат қилиши керак эди. Бу ниятимиз ҳам мустақиллик даврида тўлиқ ижобат бўлди.

Шуларнинг ўзиёқ мустақиллик даврида маънавиятимиз соҳасида биз қўлга киритган ютуқларнинг нечоғли залворли эканлигини кўрсатмайдими?

2. Инсон учун энг муқаддас неъмат — бу шак-шубҳасиз Она-Ватан, ота-боболарнинг, аждодларнинг ҳоки пойлари ётган муборак тупроқдир. Жирканч ва манфур Ватан хоинлари уюштирган 16 февраль воқеалари бизга яна бир муқаддас нарса — юрт тинчлиги, эл хотиржамлиги эканлигини эслатди. У халқимизнинг кўзларини мошдек очиб қўйди. Биз ана шу тинчлик-хотиржамлигимизни, Ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай, жонини жабборга бериб меҳнат қилаётган Юртбошимиз ҳаётини кўз қорачиғимиздай авайлаб-асрашимиз кераклигини қалб кўзимиз орқали янада теран идрок этдик.

3. «Бўлчи билганини тўқийди», деганларидек, камина ҳам ўз соҳамда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида баҳоли қудрат меҳнат қилмоқдаман. Янги дунё одами, комил инсонни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилувчи, эзгулик ва ёвузлик, оқ-қорани ажратиб олишга даъват этувчи бадиий-фантастик асарлар битмоқдаман. Боқимандалик кайфиятидан қутулиб, нашрларимизни истиқболимиз талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражага кўтариш орзусида кеча-кундуз тер тўкмоқдаман.

Хушёрликка даъват

ЎТГАН КУНЛАР САБОҒИ

БЎЛИБ ўтган воқеаларнинг «оғир-енгили» уни бир неча кундан кейин тарозига солиб, муҳокама қилганда билинади. Ойнаи жаҳонда намойиш этилган 16 февраль воқеалари ҳақидаги бир неча қисмдан иборат видеофильмни кўриб, юрагим увишиб кетди. Намойиш этилаётган кадрларнинг бўлиб ўтганига, рости, ишонгим келмади.

Халқимизда «бир бўлиб қолди», деган ибора кўп ишлатилади. Лекин, 16 февраль воқеалари «бир бўлиб қолди» қабилида эмас. Демак, бахтли ҳаётимизнинг, истиқлолимизнинг қушандалари пайт пойлаб туришган экан-да! Хайриятки, бизни ўтиш даврининг барча муаммоларидан қоқилтирмасдан олиб бораётган Юртбошимизга зиён-заҳмат етмади.

Вайрон бўлган биноларни, жигарбанди тобути кетидан зор-зор йиғлаб қолган ота-оналарни, ҳали волидалари меҳрига қонмаган нораси-даларни бирма-бир кўрар эканман, душманлик, ёвузликнинг оқибати қанчалар мудҳиш бўлишини юрагимдан ҳис қилиб ўтирдим.

Мен катта ҳаёт бўсағасида турибман. Яна тўрт-беш йилдан кейин мутахассис сифатида иш бошлайман. Ўшанда менга қора кўзларини тикиб турган талабаларимга айтадиган биринчи сўзим:

— Ҳамиша тинчлик бўлсин, ҳамиша дўст бўлиб яшанглар, — бўлади.

Ватанимиз мустақиллигининг илк куниданоқ барча давлатларга ҳамкорлик қўлини чўзиб келмоқда. Аминманки, мана шу ҳамкорлик ҳар қандай ёвузликнинг, нонкўрликнинг илдизини кеса олади.

Машҳур ватанпарвар Юлиус Фучикнинг дор остида айтган сўзларини видеофильмни томоша қилиш давомида кўп эсладим. Айнан шу сўзлар билан ватандошларимга мурожаат қилсам, балким, юрагимдаги туғённи ифода этолган бўламан:

— Одамлар, ҳамиша ҳушёр бўлинг!

Гулчеҳра ДЎСТМУҲАМЕДОВА, Жаҳон тиллари университети лицейининг тугатувчиси.

ҲАЁТНИНГ ҲАР КУНИ ТАРИХ

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» номли асарлари ўзи танлаган йўлдан ривожланиб бораётган мамлакатимиз хавфсизлигига даҳлдор жараёнлар билан боғлиқ муаммолар атрофлича таҳлил этиб берилган эди.

Китоб чуқур мушоҳадаларга ва ҳолис талқинларга бойлиги билан дунё сиёсатшуносларининг диққат эътиборини ўзига тортди. Қатор хорижий мамлакатларда унинг тақдимоти муваффақиятли ўтди.

Шу йили содир этилган 16 февраль воқеалари асарнинг нақадар долзарб ва ҳаётий эканлигини яна бир бор кўрсатди. Тинчлигимиз, миллатлараро дўстлигимиз ва тараққиётимизга хавф солаётган разил кучлардан ҳоли эмаслигимиз яна бир бор аён бўлди. Республикамиз муваффақиятини кўролмаган разиллар башарасининг кимлиги Президентимизнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида ҳам тўла-тўкис кўрсатиб берилди.

Юртбошимизнинг бу китобларидан кейин мамлакатимизда қатор олимлар, илм-фан оламига кириб келаётган ёшлар ҳам шу йўналишдаги масалалар билан шуғулланиб бошладилар. Бу жиҳатдан тадқиқотчи Шукуриддин Пахрутдиновнинг «Таҳдид тушунчаси: назария ва амалиёт» рисоласи эътиборга лойиқ. Ижтимоий фанлар ўқитувчилари, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бу қўлланмада хавф-хатар тушунчасининг умумий-назарий жиҳатлари, ички ва ташқи таҳдидларнинг бартараф этишдаги маърифий йўл, экология муаммоларининг аҳоли саломатлиги учун етказадиган зиёни ҳақида гап боради.

Китоб ниҳоятда содда ва равон тилда ёзилганлиги билан ўқувчилар диққатини ўзига жалб этади.

Собир МИРВАЛИЕВ, профессор. Тўра НОРБОЕВ, доцент.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

ҲАР қачонгидек республика «Камолот» жамғармаси, унинг вилоят бўлимлари Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясидаги маърузалари, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларидан келиб чиқиб, ўзларига аниқ режалар белгилаб олишган эди. Шу кунларда унинг иҳроси таъминланмоқда.

Мамлакатимизнинг таниқли олимлари, ижодкорлари, санъаткорларидан иборат гуруҳ вилоятимизнинг Бўка, Бекобод, Оққўрғон туманлари хўжаликларида бўлиб, ёшлар билан бевосита далаларда суҳабатлар ўтказдилар. Учрашув жараёнида гуруҳ аъзолари Юртбошимизнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузалари, шунингдек, «Хушёрликка даъват» деб номланган суҳбатлари хусусида, ёшларга батафсил гапириб бердилар. Айни пайтда мулоқотлар жараёнида сўзга чиққан йигит-қизлар мамлакатимиз ҳаётига хавф солган қора кучларга нисбатан чексиз нафратда эканликларини билдирдилар. Вилоятимиз фаровонлиги учун фидокорона меҳнат қилаётганлар Президентимизнинг ёшларни биз ҳеч кимга бермаймиз, фарзандларимизни ўзимиз тарбиялаймиз, деган сўзларини яна бир бор ғурур билан эсладилар.

Феруза АҲМЕДОВА, Тошкент шаҳридаги 98-мактаб битирувчиси.

АМЕРИКАЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРИШМОҚДА

СЎНГГИ йилларда океан ортидаги давлатларда мустақил Ўзбекистонга, унинг тарихи, кўҳна обидаларига бой Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йорк Бош консулхонаси Американинг «Mir Corporation» саёҳат фирмаси билан биргаликда «Сиз Ўзбекистонни биласизми?» деган мавзуда танлов эълон қилди. Бу танловни ўтказишдан мақсад Америка халқини мустақиллик йўлини танлаб олган Ўзбекистон билан янада яқиндан таништириш, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва саёҳатчиликни ривожлантиришдир.

Танлов қатнашчилари Ўзбекистон тарихи, бугунги ҳаёти, иқтисоди, сиёсати ва унда юз бераётган улкан ўзгаришлар тўғрисида ўн икки саволга тўлиқ жавоб беришлари керак.

Унинг ўтказилиши халқаро ахборот тизими Интернет орқали ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Зеро бугунги кунда Интернет маълумотларидан америкаликлар доимий равишда фойдаланишмоқда. Шунинг учун ҳам барча саволлар «Mir corporation» ва Ўзбекистон бош консулхонасининг Интернет саҳифаларида жойлаштирилди, бу эса дунёнинг бошқа мамлакатлари аҳолиси учун у билан яқиндан танишиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон ва жаҳон

Танлов ғолиби бош совриндан сифатида Ўзбекистонга 16 кун давомида «Буюк Ипак йўли» маршрути, яъни Фарғонадан Хивагача бўлган масофадаги йўл бўйлаб саёҳат қилиш учун бепул йўлланма олади. Бахтли ғолибга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Нью-Йорк -Тошкент-Нью-Йорк йўналишидаги самолётга бепул чиптани тортиқ қилади.

Иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ деб топилганлар ўзбек ҳунармандлари томонидан тайёрланган эсдалик совға ва мамлакатимиз тўғрисидаги рангли альбомлар билан тақдирланадилар.

Танлов якунлари шу йилнинг охирларида эълон қилинади ғолиб эса Ўзбекистонга 2000 йил баҳорида ташриф буюради.

«Сиз Ўзбекистонни биласизми?» танлови Американинг саёҳатга оид кўпгина нашрларида ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Интернет тизимидан фойдаланишга имкони бўлмаганлар эса ўз жавобларини хат ёки факс орқали юборишлари мумкин. Танлов эълон қилинган биринчи кунларданоқ, америкаликлар орасида катта қизиқиш уйғотганини кўрсатди. Кўпчилик америкаликлар унда фаол қатнашиш истагини билдирмоқдалар.

Ойбек РАЗЗОҚОВ, «Жаҳон» АА.

ОҚ ЙЎЛ, ОФИЦЕРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президенти, республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бундан қарийб тўрт йил муқаддам Тошкентда мамлакат Қуролли Кучлари академияси ташкил этилган эди. Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган бу ҳарбий академиянинг мақсади олий маълумотли командир-мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Ўтган вақт мобайнида бу даргоҳни кўплаб юқори малакали офицер кадрлар муваффақиятли битириб, ҳозирда Қуролли Кучларимизнинг қисм ва қўшилмаларида хизмат қилмоқдалар.

Пойтахтимиздаги Қуролли Кучлар Марказий офицерлар уйида шу ҳарбий академия навбатдаги битирувчиларини хизмат жойларига кузатишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакат Мудофаа вазирлиги ва мазкур академия раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, битирувчилар, уларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Қуролли Кучлар академияси бошлиғи, полковник Қ. Ғуломов очди.

Маросимда Олий ҳарбий таълим билим юрти тингловчиларига академияни битирганликлари ҳақидаги дипломлар ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилди.

Академия тингловчилари икки йиллик таҳсил давомида назария ва амалиётда кенг кўникмалар ҳосил қилдилар. Мудофаа вазирлигининг команда-штаблари машқларида фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Йиғилишда республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Ҳ. Турсунов сўзга чиқиб, битирувчиларни ҳарбий академияни тамомлаганликлари билан самимий табриклади ва уларга Қуролли Кучларнинг қисм ва қўшилмаларида ўз хизмат бурчларини виждонан адо этиб, мустақил Ватанимизнинг миллий хавфсизлиги ва халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муваффақиятлар тилади.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан майор А. Тожиев ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун Президентимиз Ислом Каримовга чуқур миннатдорчилик билдириб, она-Ватанга ва халққа, юртимиз осойишталигини таъминлаш ишига садоқат билан хизмат қилажагини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов қатнашди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

Вилоят ҳокимлигида

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Дўстлик — қудратли куч. Республикамиз, вилоятимизда истиқлол йиллари ичида эришилган ва эришилаётган ютуқларнинг ҳаммаси кўп миллатли халқимиз меҳнатининг самарасидир. Халқимиз ҳаётимизни безаб келаётган ана шу фазилатни намоён этишда Ўзбекистон Халқ Бирлиги Ҳаракати вилоят Кенгашининг ҳиссаси ҳам салмоқли. Жойларда унинг ташаббуси билан миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик мавзуларида турли тадбирлар ўтмоқда.

Мустақиллик, Наврўз айёмлари, касб байрамлари умумхалқ шодиёнаси тарзида дилларга қувонч бағишлаб келмоқда.

Куни кеча вилоят ҳокимлигида мазкур Ҳаракат кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда раёсат аъзолари орасида вазифаларни тақсимлаш, 1999 йил учун раёсат режасини тасдиқлаш, шунингдек, шаҳар ва туманларда ўтказиладиган конференцияларнинг тартибини белгилаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими муовини А. Раҳимбердиев сўзга чиқди.

Нилуфар ЗАРИПОВА.

МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ТАШАББУС ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

га мажлисда алоҳида эътибор қаратилди. Маънавий ҳаётда муҳим ўрин тутувчи, ўз фаолияти билан кишиларимиз онгига, тафаккурига, дунёқарашига таъсир кўрсатишга, янги инсонни тарбиялашга дахлдор бўлган ўнлаб давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғарма ва ижодий уюшмалар бўлатуриб, бу муҳим вазифа бугунги кун талаблари даражасида бажарилмаётир.

Мажлисда одамлар онгида, тафаккурида туб ўзгаришларга эришмай туриб, кўзланган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо қилиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Шу боис ҳам жамиятимизда миллий манфаатларимизга зид ва бузғунчи ғоявий кучларга қарши кураш олиб борадиган самарали тизим шаклланмоғи лозим. Мажлисда афсус билан қайд этилганидек, жойларда маънавий-маърифий ишларга эътибор сусайиб кетган. Хусусан, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар, ҳаётимизни фаровон қилиш, жамиятимизни янгилаш мақсадида олиб борилаётган кураш ва шу эзгу ниятларимизга тўсиқ бўлиб турган муаммолар, дунёда юз бераётган муҳим воқеалар моҳиятини кенг жамоатчиликка содда, ҳаётий мисоллар ёрдамида тезкорлик билан етказиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Бу масаланинг нақадар муҳимлигини англаб етмайдиган, унга бепарво муносабатда бўлаётган раҳбарлар ҳам учрайди. Очиғини айтганда, маънавият ва мафкура соҳасидаги тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доирада қолиб кетмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига, айниқса, тажрибасиз, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти.

Бунинг натижасида ҳали онгги шаклланмаган, ғўр ёшлар ёт таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ёвузлик гирдобига тушиб қолмоқдалар. Мудҳиш февраль воқеалари шуни кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари бугунги долзарб вазифа жамиятимиз барча аъзоларини, энг аввало вояга етиб келаётган ёш авлодни комрон қилиб камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини мустаҳкамлаш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Сирасини айтганда, маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим ҳолларда, афсуски кеч қоляпмиз. Юртбошимиз томонидан белгиланган бу вазифалар нега мукаммал бажарилмаяпти? Нега уни ҳаётга татбиқ этишда айрим зиёлиларимиз, хусусан фан арбоблари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари лоқайдлик кўрсатмоқда? Нега улар томошабин бўлиб турибди?

Дарҳақиқат, бугунги кунда мафкуравий кураш, айниқса комрон авлод тарбияси масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, миллий истиқлол мафкураси ва мустақиллик ғояларини кенг жамоатчилик онгига сингдириш, аҳолининг барча қатламлари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида мунтазам фаолият олиб борадиган самарали тизимни вужудга келтириш учун Маънавият-маърифат республика кенгаши тузиш тўғрисидаги таклиф мажлис иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Сўзга чиққанларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари, амалий таклиф ва тавсияларини инобатга олиб, мажлисда Маънавият-маърифат республика Кенгаши ташаббус гуруҳининг қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, бу борадаги ишларни амалга ошириш учун Ташкилий гуруҳ тузиш ва унга бир ой муддат ичида Кенгашнинг таркибий тузилиши, фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари акс этган Низом ва Дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Кенгаш қошида замонавий билимга эга, миллий мафкура ва истиқлол ғояларини чуқур идрок эта оладиган, уларни кенг жамоатчиликка таъсирчан шаклда етказишга қодир бўлган, фидойи, ватанпарвар зиёлилардан иборат жамоатчи тарғиботчилар гуруҳи тузиш таклифи ҳам маъқулланди. Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўлимларини тузиш, уларга шу масъулиятли вазифага билими ва маънавий-маърифий савияси жиҳатидан мос келадиган ҳокимларнинг бевосита раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Маънавият-маърифат республика Кенгашининг таъсис конференциясини 1999 йил 10 августга қадар Тошкент шаҳрида ўтказиш белгиланди. Маънавият-маърифат республика Кенгашини тузиш бўйича Ташкилий гуруҳ раҳбари этиб Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов тайинланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов сўзга чиқди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н.Жўраев, А.Зиё, Т.Рисқиев, Президентнинг Ахборот-таҳрир хизмати раҳбари М.Муҳаммад Дўст, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С.Ҳакимов, Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

УМУМБАШАРИЙ МУАММО

Шу йил 9 июль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонасининг мажлислар залида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНЕСКО, БМТ аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА)нинг «Ўзбекистонда оилани режалаштириш ва саломатлик масалалари бўйича Дастурни илмий, таълимий ҳамда амалий нуқтаи назардан қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда қатор жамоат ташкилотлари, юқоридаги муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Баҳс, мунозаралар билан ўтган йиғилиш унинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Анжуманда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш, туғиш ёшидаги оналарга эътибор, оилани режалаштириш, ЮНФПАнинг мамлакатимиздаги фаолияти, Марказий Осиё демографик шароити доирасида республикамиздаги ҳолат, Марказий Осиёда ишчи кучининг шаклланиши ва бошқа мавзулар хусусида гап борди. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш бошқармаси бошлиғи Н. Туриева, БМТ аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Константин Соколов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бошқармаси бошлиғи О. Эргашев, Ўзбекистон Республикаси «Оммавий фикр» маркази директори ўринбосари О. Отамирзаев, Республика фанлар академияси қошидаги Иқтисод институти катта илмий ходими Равза Муртазиналарнинг нутқларини тингладилар.

Анжумандан сўнг махсус мухбиримиз кун тартибидаги масалалар юзасидан маърузачиларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МАСАЛАСИ

Нурия ТУРИЕВА, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш бош бошқармаси бошлиғи:

— БУТУН жаҳон мамлакатлари каби республикамизда ҳам ҳар йили 11 июль куни БМТ доирасида «Бутун жаҳон аҳолишунослик куни» сифатида нишонланади. Мазкур семинар мана шу муносабат билан уюштирилди. Бунда биз билан ҳамкорликдаги ЮНЕСКО-ЮНФПА лойиҳаси оналар саломатлигини сақлашда, соғлом фарзандлар туғилишида катта аҳамият касб этади. Чунки, унинг туб мазмунида туғиш ёшидаги аёлларга ғамхўрлик, улар саломатлигини ўрганиш ва ёрдам кўрсатиш, оилани режалаштиришга онгли муносабат ўз ифодасини топган.

Республикамизда истиқлол йиллари ичида оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этиш масаласи давлат миқёсидаги масалалар даражасига кўтарилди. Бу борада Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида аниқ дастур асосида фаолият юргизилмоқда. Барча вилоятларда, айниқса, қишлоқ ҳудудларида туғарма ишларини бошқариб келмоқда. ЮНФПА барча оилалар ва ҳар бир инсонга 2015 йилгача ўз саломатлигига оқилона ёндашувни ғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касаллик аниқланган оналарни шифохоналарда соғломлаштириш изчил йўлга қўйилган. Бу бежиз эмас. Она соғлом бўлсагина фарзандлар саломат туғилади.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Майкл Барри ЛЕЙН, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили:

— БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик бўйича жамғармаси ЮНФПА Ўзбекистонда 1993 йилда БМТ дастури доирасида фаолият юргиза бошлаган эди. Унинг офиси 1997 йилдан бошлаб Тошкент шаҳридан жой олган ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари, Қозоғистон ва Озарбайжон бўйича жамтаъминлашга хизмат қилади. Оилада фарзанд туғилишини режалаштириш, аҳолишунослик борасидаги бош йўналишни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бу дастурдан ўрин олган. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига бу борада амалий ёрдам кўрсатилди. Бу минтақалардаги шифокорларни менежмент ва менежерлик бўйича ўқитилди. Уларга саломатлик марказлари ташкил этиш, аҳоли билан суҳбатлар ўтказиш, оилани режалаштиришга оид маслаҳатлар уюштириш юзасидан тавсиялар берилди. Бу жойларда конференциялар ташкил этилди.

Аҳолишунослик жамғармаси Ўзбекистонга фарзандлар туғилишини режалаштиришни таъминлайдиган воситаларини мунтазам етказиб бериб турипти. 1994-1999 йиллар ичида ҳамкорлик дастурига мувофиқ республикани қўллаб-қувватлаш учун 5 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сарфланди.

Ҳамжиҳатликдаги дастурнинг иккинчи йўналиши аҳолишуносликдаги вазиятнинг долзарб талабларини аниқлаб олиш эди. Ана шулар асосида режа ишлаб чиқилди. Унга кўра 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади. Айни пайтда «Соғлом авлод» дастурига мос келувчи аҳолишунослик бош йўналиши ривожлантирилади.

АҲАМИЯТИ КАТТА

Омон ЭРГАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бошқармаси бошлиғи:

— БУГУНГИ семинарнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки, ҳар бир ривожланган мамлакатда аҳолишунослик билан илмий тарзда шуғулланилади. Аҳоли сонининг ҳар йилги кўпайишини аниқ билиш истиқбол учун муҳимдир. Туғилиш бор экан, демак, бу билан боғлиқ моддий таъминот, тарбия, таълим муассасалари, иш жойлари тайёрлаш масалалари ҳам кун тартибида кўндаланг бўлиб тураверади. Дунёда ҳали шундай ҳудудлар борки, у ерлардаги очлик, қашшоқлик, ночорлик минг-минглаб болаларни ўлимга маҳкум этмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат демографиясини таҳлил этиш, уни тартибли ташкил қилиш умумжаҳон муаммосига айланмоқда.

Шу маънода оилани режалаштириш ва бошқа мавзуларга оид Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ аҳолишунослик жамғармаси ЮНЕСКО-ЮНФПА лойиҳасининг истиқболи самарали бўлишига шубҳа йўқ.

Семинарда мен мамлакатимиз аҳолисининг йилма-йил ўсишини кўпроқ тилга олдим. Хусусан, шу йилнинг бошида республикамиз аҳолиси 1990 йилдагига нисбатан 4 миллионга кўпайиб, 24,1 миллионни ташкил этди. 1970 йилларда ҳар бир минг киши ҳисобига 40 нафар бола туғиларди. 80-, 90-йилларда бу кўрсаткич камайди, ўтган йили эса 23,1 нафарни ташкил этди. Айни пайтда болалар ўлими ҳам кескин пасайди. Демак, сифат учун юриш бошланди деган гап. 80-йиллардан то 90-йилларгача шаҳар ва туманлар аҳолисининг сийраклашувида бошқа мамлакатларга кўчиб кетишлар ҳам таъсир қилганини айтиш жоиздир. Шунга қарамай, аввалги йилларда республикамизда туғилиш сони кўп бўлганлиги учун ёшлар қатлами аҳоли умумий сонида устунлик қилиб бораверади. Ана шу ҳолатлар бизни юқорида қайд қилганимдагидек, эртанги муаммолар ҳақида бугун ўйлашни тақозо этади. Яъни, ишчи жойларини кўпайтиришга ҳозирдан ҳаракат қилишимиз керак. Семинарда оилани режалаштириш ҳеч қачон мажбурий бўлмаслиги, ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш кераклиги хусусида гапирилди. Айни пайтда бу борада тараққий этган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш зарур бўлади. Халқимизнинг кўрпангга қараб оёқ узат, деган гапи бежиз айтилмаган.

Суҳбатдош: Саидвали ҲАСАНОВ.

Дунё ва биз

ИСЛОҲОТ — ЯНГИЛАНИШ ДЕМАКДИР

ҲАЁТИМИЗГА янгича мазмун ва файз бахш этаётган унутилмас сана — мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини муносиб равишда нишонлашга вилоятимизнинг барча худудларида бўлгани каби Қуйичирчиқ туманида ҳам қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Истиқлол шарофати туфайли ҳар бир соҳага, ҳар бир тармоққа тенг назар билан қараш пайти етиб келди, деб ўйлайман. Бу қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг энг мақбул усулларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, моддий бойлик яратишни кўпайтиришга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш тамойилларидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари, фидойиликлари туфайли мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарор. Юртимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи янада ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Зеро, бу яхши кунларнинг қадрига етишимиз, уни асраб-авайлаш ҳам бизнинг асл фарзандлик бурчимиздир.

Саккиз йил тарих учун ғоят қисқа давр. Аммо ана шу муддат ичида туманимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ютуқларимиздан бири шуки, одамларимизнинг дунёқараши ўзгарди. Улар Ватанимизнинг нурли келажагига катта ишонч билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Ва шу йўлда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хўш, туманимизда ислоҳотларни амалга ошириш йўлида қандай ишлар олиб борилмоқда? Аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ўз ҳиссамизни қўша олдикми? Аввало, шуни айтиш керакки, иқтисодиётимизни ислоҳ этишнинг муҳим омили, натижаси хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашгани ва кенгайганида кўпроқ намоён бўлаётганлигини ҳис қилиб турибмиз.

Туманимизда шу кунгача юздан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарининг хусусийлаштирилиши, шунингдек, 2891 гектар майдонга эга бўлган 167та деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил топганлиги ва улар туманимиз аҳолисига моддий неъматлар етказиб беришга астойдил ҳаракат қилишаётгани диққатга сазовор. Халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг кўпчилик қисми нодавлат секторларда меҳнат қилишяпти. Саноат маҳсулоти ҳажмининг салкам 70-80 фоизи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг салмоқли улуши хусусий сектор зиммасига тўғри келади.

Қаердаки ерга эгалик ҳуқуқини амалда сезса деҳқоннинг иши унумли, ошиғи олчи бўлиши табиий. Шунингдек, деҳқон албатта, меҳнатига яраша рағбат топиши ҳам керак. Унга барча шарт-шароитларни яратиб бериш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш эса бизнинг асосий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан биридир.

Шунингдек, ҳар қандай мулк асл эгасини топиши учун бор имкониятларни ишга солмоқдамиз. Жойларда хўжаликлар, ташкилотлар ва муассасаларда билими, қурби етадиган, ташкилотчилик ва бошқарувнинг замонавий талабларини яхши англайдиган, одамлар манфаатини ўз манфаатидан устун қўя оладиган фидокор ёшлар бошчилик қилишлари зарур.

Туманимиз асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Шунинг учун ҳам унинг келгусидаги истиқболи шу соҳа билан боғлиқ. Бу борада 1999 йил бурилиш йили бўлади, деб ўйлайман. Биргина мисол, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олаётганликлари сабабли давлатга дон сотиш режасини шараф билан адо этиш арафасида турибмиз. Ғалла тайёрлашда яхши натижаларга эришган «Янгиобод», «Дўстлик», «Тошовул» жамоа, «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба хўжаликлари ҳар гектар ердан 38-41 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, туманимизда пилла етиштириш режаси ҳам уддалаб қўйилди.

Эндиги асосий вазифамиз жорий йилни муваффақиятли якунлаш учун ҳозирданоқ пахта йиғим-терими ишларига пухта тайёргарлик кўриб қўйишимиз лозим. Бугунги кунда 13 минг 500 гектар майдонда режадаги 36 минг 500 тонна пахтани қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини кучайтириш, йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва терим агрегатларини барвақт сифатли таъмирлаб, тахт этиб қўйишимиз зарур.

Режалаштирилган дастуримизга мувофиқ қишлоқ умумтаълим мактаблари ва соғлиқни сақлаш тизимлари қайта таъмирланиб, кенгайтириб борилади. Айниқса, қишлоқ хонадонларига сув келтириш, уйларни газлаштириш ишлари муҳимдир. Яқинда туманимиздаги яна 4та хўжаликка «зангори олов» бердик. Жойларда аҳолига хизмат кўрсатадиган устахоналар, сартарошхоналар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш кичик корхоналари ишга туширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси аҳоли даромадининг кўпайиши, уларнинг ҳаёти фаровон, насибаси бутун, рўзғори баракали бўлишига олиб келмоқда.

Деҳқон ўз меҳнати самарасидан мамнун, хотиржам, кўнгли тўқ бўлса қилаётган ишига меҳри ортади. Меҳнати унумли бўлади. Демак, биз ўйлаган ишлар, биз белгилаган режалар ҳам амалга ошади. Фаровонлик сари дадил илгарилаб бораверамиз.

Ўсканбой АТЕМОВ, Қуйичирчиқ тумани ҳокимининг биринчи муовини.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЙЎҚЛАМАСИ:

ҚУЙИЧИРЧИҚ

ДЕҲҚОННИНГ РУҲИ ТЕТИК

МЕН ҳар сафар ишчи ва хизматчиларнинг хонадонига қадам қўйганимда аввало, уларнинг турмуш шароитлари билан қизиқаман. Етишмовчилик бор, йўқлигини суриштираман. Фаровон, тўкин ҳаёт кечираётган деҳқон ёки механизаторнинг турмуш тарзини кўрганимда, кўнглим янада кўтарилиб, руҳим тетиклашади.

Тўғри, яхши яшаш учун яхши меҳнат қилиш керак. Қаерда янгиликка интилиб, изланиб меҳнат қилинса, ўша ерда кўзланган мақсадга сўзсиз эришилади.

Айтайлик, бир дона буғдойнинг яна юзлаб, минглаб сара ғаллага айланиши учун қанчадан-қанча инсон меҳри, унинг фидокорона меҳнати зарур. Ҳарорат ҳам, меҳр ҳам ғалланинг улуғлигини, деҳқоннинг қадрини оширади. Шундай экан, бепоён пахтазорлар, боғу роғлар, серҳосил буғдойзорлар кўзимизни доимо қувонтирсин, мустақил мамлакатимизга тўкинчилик, фаровонлик олиб келсин, деб ният қиламиз.

«Тошовул» ширкатлар уюшмаси жамоаси ҳам ана шундай яхши ниятлар, орзу-умидлар оғушида меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда хўжалигимиз ғаллакорлари бор имкониятларини ишга солиб, 765 гектар майдонда етиштирилган ғаллани ўз вақтида саранжомлаб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

Ҳозиргача эл хирмонига 1928 тонна ғалла етказиб бериб, ҳар гектаридан 26 центнердан сара дон ҳосилини йиғиштириб олишга эришдик. Давлат Бакиров, Константин Гребенник, Ҳайитбой Айтбоев, Бахтиёр Яхёхонов, Оллаберган Тойбоевлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 38-42 центнерданни ташкил этгани бизни қувонтиради, албатта.

Ҳали далаларимизда ҳосил чўғи баланд. Эндиги мақсадимиз ғалла ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, умумий ҳосилдорликни 39 центнерданга етказишдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, 740 гектар ерга экилган ғўзаларимиз қийғос гулга кирди.

Деҳқонларимизнинг руҳи тетик. Дастурхони тўкин, фаровон яшаётган деҳқоннинг эса кайфияти ҳамиша яхши бўлади.

Александр КИМ, «Тошовул» ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси.



• Дўстобод шаҳридаги «Нон» корхонасига қарашли салқин ичимликлар ва музқаймоқ ишлаб чиқариш цехи ишчиси Дилфуза Ризаева ҳамиша зиммасига юкланган вазифаларни сидқидилдан адо этади.
СУРАТДА: Д. Ризаева иш устида.



• Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 3-қишлоқ қурилиш корхонаси бунёдкорлари мустақиллик иншоотлари қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар.
СУРАТДА: ишчи К. Есеркепов, бош муҳандис Ж. Мамутхонов ва ишчи У. Қосимовларни кўриб турибсиз.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

• Қуйичирчиқ тумани 1926 йилда ташкил этилган. Майдони 56.033 квадрат километр. Аҳолиси 94 минг 142 киши. Маркази Дўстобод шаҳри.

• Туманда 9та ўз ўзини бошқариш фуқаролар йиғини, 49та маҳаллаларда эса 40дан ортиқ турли миллат вакиллари дўст-иноқ бўлиб истиқомат қилишмоқда.

• Халқ таълими тизимида 53та ўрта, 22та таянч мактаблари бор. Шунингдек, 2та касб-ҳунар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

• Соғлиқни сақлаш тизимида 5та касалхона, 29та фельдшер-акушерлик бўлимлари ҳамда қишлоқ даволаш масканларида 216 нафар олий тоифали шифокорлар, 592 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари халқ саломатлиги йўлида хизмат қилмоқдалар.

• 32та қироатхоналарни ўзига бирлаштирган марказий кутубхона, 1та маданият уйи ва 31та қишлоқ клублари ишлаб турибди.

• 3525 гектар майдонга эга 216та фермер хўжаликларида 1385 киши меҳнат қилади.

• Туман меҳнаткашлари асосан пахта, ғалла, шоли, мева-чева ва озуқа экинларини етиштиришади.

• Туманда 4та ўйингоҳ, 26та спорт зали, 55та турли спорт жамоалари ёшларнинг севимли масканига айланган. «Ғалаба» футбол жамоаси республика чемпионати жамоалари орасида тўп сурмоқда.

ЙИЛЛАР ФАЗИЛАТИ

«Балиқчи» очиқ ҳиссадорлик жамияти қошида Сани ЛТД Ўзбекистон ва Покистон қўшма корхонаси ҳамкорлигида картон қоғоздан рўзғорбоп қутичалар ва селофан пакетлар ишлаб чиқарадиган иккита цех очилди.

Корхона ишлаб чиқарган қутичалар ва пакетлар харидоргирлиги билан тез орада туман аҳолисининг эътиборини тортди.

Корхона тумандаги 50 нафар ёшларни иш билан таъминлади. Шу кунларда корхона маҳсулотлари қўшни туманларнинг савдо шохобчаларига ҳам етиб бормоқда.

* * *

Дўстобод шаҳар «Нон» ишлаб чиқариш корхонасига қарашли салқин ичимликлар ва музқаймоқ ишлаб чиқариш цехининг ишга туширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

Шунга қарамай у ўз маҳсулотларининг харидоргирлиги билан туман аҳолисини мамнун этаётир. Цех коллективи ҳар куни 250-300 декалитр апелсин, олча, нок шарбатларидан салқин ичимликлар ҳамда 300 килограммгача музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

* * *

Кейинги икки йил мобайнида тумандаги кўпгина хўжаликлар ва қишлоқлар бирин-кетин газлаштирилмоқда.

«Дўстлик», «Ўжакент», «Юлдуз» кейин Абай номли хўжаликнинг аҳолиси ҳам зангори оловдан баҳраманд бўлишди. Хўжалик маркази «Бешовул» қишлоғига 4,2 километр узунликда газ қувурлари тортиб келиниб асосий тармоққа уланди. Энди Навоий номли халқ корпорациясининг маркази «Шарқ» қишлоғи хонадонларида ҳам табиий газ мунтазам ёна бошлади.

1999 йил — Аёллар йили

АЁЛ — СЕН МУҚАДДАССАН!

Мен бардош тоғини тавоф айладим, сабр-қаноат дунёсини кездим, рўпарамдан чиқаверди, Аёл! Осмонга тикилган нигоҳларда, фарзандлар кўзига сочилган меҳру-муҳаббатда, сени сиймоингга дуч келдим, Аёл!

Севинч ёшларида, қайғу йўлларида ёниб турган кўзларингни кўрдим, Аёл!

Момом бор эди, исми Олтиной, олтиндек юраги бор эди, пўлатдек бардоши! Умр поёнига етмай, уч ўғлини, тўр қизини қаро ерга қўйди. Тишларида сабрни тишлаб, кўзларида оламни сақлаб, қадини ҳассага юклаб юз ёшга етди. Юз ёшида армон билан кетди: «Мен болаларимнинг умрини яшадим» деб, Оллоҳдан юртга тинчлик тилаб кетди, сўнгги нафасда!

...Бир аёлни билар эдим, ҳаётидан хабардор эдим, олти қиздан сўнг Худодан тилаб-тилаб бир ўғил кўрди. Во-дариғо! Ҳаёт шунчалик бешафқат бўладими, нақ ўн саккизнинг устида ёлғизидан айрилиб қолди, ўғлим деб, ёлғизим деб, чўкиб қолди. Йиғламаганни йиғлатди, дардсизларга дард берди. Ўзингга шукур Яратган эгам, аёлни сабрнинг нурларига ўрадинг, бардош бердинг, из бердинг. Невараси ўғил бўлди, исми — Ёдгор бўлди! Нураб кетмадинг аёл, ёниб кетмадинг, аёл! Бардошга ҳайкал қўйдинг, сабрдан тоғ яратдинг, сенга таъзим аёл!

Ҳаётга термуламан, ҳаётни кузатаман, турмуш ташвишларига кўмилган изларингда тўкилиб кетгандек бўламан. Бир елкангда боланг, бир елкангда рўзғор, бир қўлингда бахт, бир қўлингда алам, кўзларингда умид, йўлларингда гуллар... Кўзларим қамашиб кетади, сенинг қадамларингни кўриб. Ҳар босган изингдан ҳаёт ўсиб келади, ҳар нигоҳингдан юртнинг бўйи тикланар, Ватан чиқар ҳузурингга!

Ташбеҳ қидириб кетганим йўқ узоқларга, ёнимдасиз, ҳамнафассиз замондошсиз! Этик билан дала кезган, юз эркакнинг ишини қилган, аёлликнинг малоҳатини меҳнатга алмашган менинг опаларим! Пахта деб, дон деб гўзалликдан воз кечган деҳқон опам, Сизга нечун бош эгмайлик. Сизга нечун қойил қолмайлик. Умр ўтар карвон дейдилар. Карвонингиз пешонангиз терларига тўлиб кетди, деҳқон опам!

...Ўн фарзанддан ортиб яна, юрт ишига белин боғлаб, ҳар инсоннинг кўнглин чоғлаб яшаётган куюнчак опаларим! Қозондаги ёғ доғ бўлмай, бир тишлам нонини еб улгурмай эл юмушига шошилган опам! Қирқта жони бор аёлнинг тимсоли сизсиз! Шамолларда учмайдиган, қайғулардан кечмайдиган марднинг юраги бор сизда!

...Бир тирноққа зор бўлиб, ёстиқларни ҳўл қилган менинг фарзанд кутган сингилларим! Муҳаббат асрайди сизни, қаноат фарзанд беради, садоқат аллаларни шамол бўлиб чақиради. Сенсан бешикларни қўмсаган сабр! Сенсан «болам» деган сўзга интизор қалб! Оллоҳ сенинг этагингни тўлдирсин, аёл!

Байрамлар кўп, лекин сен ўзинг байрамсан, муқаддас аёл! Сенинг борлигинг, сенга бизнинг зорлигимиз ўзи байрам! Аёллар йилидаги ҳар бир кунинг муборак, муқаддас аёл!

Ҳамид НОРҚУЛ.

ЕТТИНЧИ ХАЗИНАГА БАРАКА КИРДИ

СИР ЭМАСКИ, турғунлик даврига келиб, етти хазинанинг бири бўлган паррандачиликдан путур кетганди. Тухум ва пархез гўшт етиштиришнинг аҳволи мамлакат аҳолисининг эҳтиёжини қондиролмай қолганди. Хайриятки, мустақиллик шарофати билан паррандачиликда жонланиш юз берди, еттинчи хазинага аста-секин барака кира бошлади. Буни мен иш юритиш учун хўжаликларга тўла эркинлик берилганида, деб биламан.

ПАРРАНДАЧИЛИК хўжалигимиз нафақат туман ёки вилоят, балки республикада барқарор фаолият кўрсатаётган энг илғор жамоалардан бирига айланди. Биз ҳар бир ишни аниқ мақсадга қаратилган пухта режа асосида эминэркин амалга оширяпмиз.

Тухум ва пархез гўштнинг кўп ва сифатли бўлиши, аввало, паррандаларнинг емишига боғлиқ. Биз омухта емнинг нафақат кетини узмаслик, балки парранда организми учун сув билан ҳаводек зарур ҳисобланувчи барча компонентларининг тўлиқ бўлишига алоҳида эътибор берамиз. Негаки, кейинги пайтларда омухта емларнинг сифати пасайиб кетганлиги ҳаммага маълум. «Борига барака-да» қабилида иш тутилса, мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис емнинг сифатли бўлиши учун ўзимиз жон куйдирамиз. Емнинг таркибини текшириб, етишмайдиган компонентларини излаб топиб, ўзимизнинг озуқа цехимизда қайта тайёрлаб, сўнгра паррандаларга берамиз.

Омухта емнинг сифатли бўлиши иккита муҳим масалани ҳал этади. Биринчиси, паррандалар соғлом ўсади, ортиқча нобуд бўлмайди. Биз бунга эришяпмиз ҳам. Масалан, белгиланган меъёрга кўра 100та жўжадан 80таси сақлаб қолинса, яхши натижа ҳисобланади. Бизда эса бу кўрсаткич 94тадан пастга тушмайди. Шунингдек, тухум берадиган товуқларнинг меъёрдаги 90 фоизи ўрнига 97,6 фоизини сақлаб қолишга эришяпмиз. Иккинчиси, омухта ем сифатли бўлса, уни тежаб сарфлаш имконияти туғилади. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархининг арзонлашишини таъминлайди. Масалан, мингта тухум етиштириш учун меъёрдаги 3,26 центнер ўрнига 2,43 центнер озуқа бирлиги сарфланмоқда. Шу йил билан ўтган беш ой давомида 471 тонна озуқа тежаб қолинди.

Амалга оширилаётган ана шу тадбирларнинг самараси иқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топмоқда. Масалан, хўжалигимизнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 4 миллион дона тухум ва 50 тонна пархез гўшт етиштиришга мўлжалланган. Биз эса ўтган беш ойдаёқ шу даражага етишга эришдик. 4 миллион 438 минг дона тухум етиштирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 1 миллион 356 минг 900 дона кўпдир. Ҳар бир она товуқдан беш ой муддатда режадаги 76 дона ўрнига 88 донадан тухум олинди.

Табиийки, жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг даромади, турмуш даражаси хўжаликнинг иқтисодий салоҳиятига мутаносиб бўлади. Бизда ҳам шундай. Чунончи, товуқбоқар ва жўжабоқарларимиз ҳар ойда 14-15 минг сўмдан иш ҳақи олмоқдалар.


Дарвоқе, шу йилдан бошлабоқ, даромад манбаимиз яна биттага кўлайиши кутилмоқда. Гап шундаки, Москвадаги Давлат наслли паррандачилик заводидан бир кунлик жўжаларнинг катта партиясини самолетда олиб келиб, парвариш қилган эдик. Улар тухумга кирди. Июль ойидан бошлаб шу наслли тухумларни бошқа паррандачилик хўжаликларига сотишни бошладик.

Сўзни мухтасар қилиб айтганда, биз эришаётган озмикўпми ютуқлар мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда тобора кенг қулоч ёзиб ва чуқурлашиб бораётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасидир.

Анвар НИЗОМХЎЖАЕВ,
Зангиота туманидаги «Нур» наслн паррандачилик акциядорлик жамияти раиси.

МЕҲНАТНИ ҲАЛОЛ ҚИЛСАНГ...

КАЛИШ, линолеум, конвейер лентаси, автомобиллар учун шиналар... Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўпминг кишилик жамоаси қўлидан чиқаётган маҳсулотларнинг асосий турлари, булар. Айни вақтда бу ерда кенг ҳажмда турли-туман истеъмол буюмлари ҳам тайёрланмоқда. Бундан ташқари, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.



Ўртачирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» фермер хўжаликлари уюшмаси деҳқонлари бу йилги мураккаб шароитда ғўза парваришини оби-тобида олиб бориш учун ички имкониятларни тўла ишга солмоқдалар. Йиллик меъёрдаги озуқа бериб бўлинди. Қатор оралари мавсум давомида тўрт марта юмшатилди. Икки марта қондириб суғорилди. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари ҳар куни дала кезиб, амалга оширилаётган агротехника тадбирларини кузатиб, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни жойида бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар, илғорлар тажрибасини оммалаштирмоқдалар.

СУРАТДА: хўжалик бошқаруви раиси Солижон Тожиев (ўртада) Раҳмон Қурбонов бошлиқ бригада даласида ғўзанинг ҳолатини кўздан кечирмоқда.

Ҳусанбой АББАЛОВ олган сурат.

Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар халқ хўжалигининг қатор тармоқларига, истеъмол бозорига етказиб бериляпти. Уларни тайёрлаш муттасил кўпайтирилишига қарамай талаб камаймаяпти. Ишчилар ҳамон тобора ортиб бораётган эҳтиёжни мумкин қадар тўлароқ қондириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Айниқса, корхонада материаллар ва хом ашёлар етказиб берувчилар билан алоқаларни йўлга қўй ишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу мақсадда олиб борилган саъй-ҳаракатлар зое кетмади, ўз самарасини бермоқда. Асосан шу туфайли ҳам жорий йил бошидан бери ишлаб чиқариш бир маромда, деярли узилишларсиз давом этяпти. Натижада иш кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли ошди. Буни ярим йиллик якунларидан ҳам кўриш мумкин.

Асосий ва харидоргир маҳсулот ҳисобланган миллий калиш тайёрлашда катта силжишга эришилди. Унинг ўсиш суръатлари 108 фоиздан ҳам ошиқроқни ташкил этди. Савдо шахобчаларига бир миллион жуфтдан кўп шундай оёқ кийимлари етказиб берилди.

Конвейер ленталари ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқлар янада салмоқли бўлаяпти. Жамоа уни тайёрлаш суръатини оширмоқда. Шу туфайли мижозларга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли бир ярим баравар ортиқ ленталар етказиб берилди. Унинг ҳажми ўн бир минг квадрат метрдан ҳам ошиб кетди.

Автомобиллар учун ҳар хил шиналар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари чакки бўлмаяпти. Ўтган биринчи ярим йилликда буюртмачиларга беш мингта атрофида шиналар етказиб берилди. Шу даврда халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳажми ҳам ой сайин ортиб борди. Унинг бажарилиши топшириқдагига нисбатан ўн фоиздан ҳам ошиқроқни ташкил этди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажми режадагидан икки баравар кўп бўлди.

Ҳозирги вақтда корхонада 2600 киши меҳнат қилмоқда. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Уларга савдо, маиший, тиббий ва бошқа шу каби хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг бутун бир тармоғи барпо этилган. Биргина соғломлаштириш маскани — профилакторий бағрида ҳар ойда 120 нафар ишчи-хизматчи ҳордиқ чиқармоқда ва саломатлигини мустаҳкамлаяпти. Бу йил корхона яқинидаги бўш ётган майдонда «Кимёгар» боғи барпо этилди. Унга турли маназарали ва мевали дарахт кўчатлари, узум навлари экилди, гулзорлар яратилди.

Самарали ишлаб, мўмай даромад қилаётган ва фойда олаётган бу корхона жамоаси ўз меҳнатининг роҳатини ҳам кўрмоқда. Ҳа, меҳнатингни ҳалол қилсанг, ҳузурини кўрасан, дейишгани шу бўлса керак.

Шерзод НАСИМОВ.

ТАБИАТ ҚЎЙНИГА САЁҲАТЛАР

ВИЛОЯТИМИЗ туманларида болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳларини янги мавсумга тайёрлаш ишлари ниҳоясига етди. Юқоричирчиқ туманидаги «Бригантина» оромгоҳида ҳам ёзги таътилга чиққан ўқувчиларнинг мириқиб дам олишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилди.

— Оромгоҳимиз диққатга сазовор тарихий манзилларга яқин жойлашганлигини инобатга олиб, уларга саёҳатлар уюштириш режасини ҳам тузиб чиқдик, — дейди оромгоҳ раҳбари Эдуард Туликов. — Қадимий ғорлар, кўл ва сойликлар бўйлаб ўтказиладиган саёҳатлар ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Улар Намданак, Чорлоқ ота қалъаларини ҳам бориб кўришади.

Ўлкамиз тарихини ўрганишга хизмат қиладиган бу каби маърифий тадбирлар чоғида ёшларимиз сўлим табиат ҳақида ҳам маълумотларга эга бўладилар.

Шаҳноза ШАРИПОВА.

ЧАП БЕРИШОЛМАДИ

АҲОЛИ гавжум жойларда илиб қўйилган Янгийўл шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг мурожаатномаси аввал «Янгийўл» газетасида эълон қилинди. Кейин кўргазма тарзида чоп этилиб бозор ва маҳаллаларга, автобекат ва истироҳат боғларининг кўринарли жойларига илиб қўйилди. Унда янгийўлликлар 1 сентябргача ер, мол-мулк, транспорт ва бошқа солиқ турларини тўлаб қўйишга даъват этилган эдилар.

«Сиз тўлаган солиқлар давлат ижтимоий истеъмол жамғармалари орқали яна аҳолига қайтиб келади», дейилади мурожаатномада. «Солиқлар боғча, мактаб, шифохоналарни сақлашга, қариялар ва ногиронларни нафақалар билан таъминлашга, маданий ва ободонлаштириш ишларини олиб боришга сарфланади. Ўзингизни Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблар экансиз, маҳаллий солиқларни ўз вақтида тўлаб қўйишни унутманг!».

Кишилар онгига ижобий таъсир ўтказишнинг мана шундай усуллари яхши самаралар беряпти. Кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли, солиқлар ва мажбурий тўловларга бўлган онгли муносабат шаклланиб бормоқда. Пировардида бюджетга тушаётган тушумлар миқдори кўпаймоқда. Қонунчиликка зид ҳатти-ҳаракат қилаётганлар эса тегишли жазоларини олмоқдалар.

Шаҳар солиқчилари аҳолига шахсий автотранспорт воситалари билан хизмат кўрсатаётган тадбиркорлар фаолиятини текширишганида шундай ҳолатлар аниқланди. Сўнг 20 нафар қонунбузар ҳайдовчи салкам 100 минг сўм жаримага тортилди.

Солиқ тизими

Ҳозир шаҳар бўйлаб 169 нафар ҳайдовчи ўз автотранспорт воситаларида аҳолига хизмат кўрсатяпти. Улардан давлат бюджетига ҳар ойда бир миллион 700 минг сўм тушяпти. Савдо-сотиқ билан шуғулланувчи 559 нафар тижоратчи эса бюджетга 4 миллион сўм ўтказяпти. Текширув давомида улардан 22 нафарининг солиқ қонунчилигига ҳилоф иш қилганлиги аниқланган эди. Оқибатда 110 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Шаҳарда миллий таомлар тайёрлаб сотувчи тадбиркору тижоратчилар сони ҳам кўпайиб 74 кишига етган. Улар бюджетга ҳар ойда 1 миллион 100 минг сўм ҳисса қўшиб келмоқдалар. Умуман, шаҳар бўйича рўйхатдан ўтган якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 930 кишидан ҳар ойда бюджетга сал кам 9 миллион сўм ундириляпти.

Шуни айтиш керакки, янгийўллик солиқчилар ҳамма соҳани назорат остига олишган. Кейинги пайтларда улар дўконлар кундалик рўзғор учун зарур бўлган 8 хил озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан қай даражада таъминланганлигини 34 марта текширдилар. Шунда 25 ҳолатда бундай маҳсулотларнинг тўла эмаслиги маълум бўлди. Назорат якунлари шаҳар ҳокимлигига, юқори савдо ташкилотларига етказилгандан сўнг маҳсулотлар таъминоти маълум даражада яхшиланди.

Рейдлар давомида дўконларда назорат касса машиналаридан қандай фойдаланилаётгани ҳам кузатилди. Шунда 8та дўконда назорат касса машинасини ишлатиш тартиби бузилаётганлиги аниқланди. Дарҳол қонунбузарларга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди.

Шаҳарда матбуот ва маҳаллий радиоузеллар орқали аҳолини солиқ қонунчилигидан кенг хабардор қилиб боришмоқда. Лекин шунга қарамай айримларнинг атайин ноқонуний ишларга қўл ураётганлиги кишини афсуслантиради. Фуқаро Ботир Турсунбоев шундай шахслардан экан. У акциз маркасиз тамаки маҳсулотларини савдога чиқариш ман этилганлигини билатуриб ҳужжатсиз 43 минг сўмлик сигареталарни бозорга олиб чиқибди. 240 қути сигарета умуман акциз маркасиз эди. Солиқчилар зудлик билан савдони тўхтатиб сохта тадбиркор устидан жиноий иш қўзғадилар.

Бундай кўнгилхираликлар бўлмаслиги учун амалдаги қонунларга ҳамиша риоя этишимиз керак. Ҳалол йўллар билан топилган луқма баданимизга сингади. Ҳаром эса бир кун эмас, бир кун тешиб чиқади. Бу турган гап.

Жасур НОСИРОВ,
Янгийўл шаҳри.

БУЮК ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ

«КАМОЛОТ» ёшлар жамғармаси Оққўрғон туман бўлими «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда буюк юртимиз бўйлаб бир қатор сайёҳлик юришларини амалга оширмоқда. Ушбу тадбирдан мақсад — мамлакатимиз қудратини, мустақиллигимиз даврида тикланаётган қадриятларни фуқароларимизга, айниқса, ёшлар онгига етказиш, улар кўз ўнгида намойиш этишдир.

Яқинда туманимизда 34-умумтаълим мактаби ёш ўлкашунос ва бўлажак тарихчи ўқувчи ёшлари ҳамда уларнинг устозларидан иборат катта гуруҳ — авлодлар кўнглини обод, аждодлар руҳини шод этиб келаётган Самарқанд вилоятига ташриф буюрдилар. Улар қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, буюк заминнинг бебаҳо тарихи бўйича ўз билимларини бойитдилар, мактаб музейига асори-атиқалардан намуналар олиб қайтишди.

Тумандаги А. Навоий номли, «Маданият» жамоа хўжаликларининг бир гуруҳ фаол ва фахрий меҳнаткашлари эса улуғ муҳаддис, исломшунос аллома Хўжа Имом Исмоил ал-Бухорий зиёратгоҳига қадам ранжида қилишди. Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган муқаддас ва ноёб ушбу маскан ҳаммада чуқур таассурот қолдирди.

«Камолот» жамғармаси уюштираётган навбатдаги сайёҳлик сафарлари юртимизнинг азиз ва мукаррам қадамжолари саналмиш Бухоро, Хива, Фарғона каби воҳаларига бўлади.

Алишер НАЗАРОВ,
«Камолот» жамғармаси Оққўрғон туман бўлими раиси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

КАРИКОМнинг РЕЖАСИ МАЪҚУЛ

Венесуэланинг Тобаго оролида Кариб ҳамжамияти (КАРИКОМ)нинг навбатдаги йигирманчи саммити бўлиб ўтди. Унда Венесуэла президенти Уго Чавес нефть масалаларига тааллуқли «Сан Хосе пакти» фаолиятини ҳар томонлама кенгайтириш ташаббусини кўтариб чиқди. Бу ҳатти-ҳаракат мазкур минтақадаги мамлакатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадига қаратилди. Президент 1982 йилда мазкур пактга қўшилмаган Кариб ҳавзаси ва Лотин Америкаси давлатлари ҳамда Кубанинг мазкур тузилмага қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади.

Айни пайтда «Сан Хосе пакти» фаолиятини кенгайтириш масалалари Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунинг учун ҳам КАРИКОМнинг режалари ижобий баҳоланмоқда. Зотан, Марказий Америка ва Кариб мамлакатлари ҳукуматларининг фикрича ҳам «Сан Хосе пакти» айрим давлатлар учун «муҳим стратегик аҳамият» касб этиши мумкин.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● 11 июлда Бутунжаҳон аҳоли нуфуси куни нишонланди. Бу сана БМТ ташаббуси билан дунёда ўн йилдан буён ўтказилиб келинмоқда.

● ОВРУПО Иттифоқи Мьянма ҳукмрон Тараққиёт ва тинчлик давлат кенгашини муҳолифотдаги Демократия учун миллий лига билан сиёсий мулоқотни йўлга қўйишга даъват этди.

● АРАБ Давлатлари Лигаси Буюк Британиянинг Ливия билан дипломатия муносабатларини қайта тиклаш ҳақидаги қарорини маъқуллади. Бу ҳақда АДЛ бош котиби Исмат Абдулмажид баёнот берди.

● РОССИЯ Федерацияси президенти Борис Ельцин ўтган сешанба куни қисқа муддатли таътилга чиқди. У ўзининг пойтахт яқинидаги «Русь» ва «Завидово» қароргоҳларида дам олади.

● ВЕНГРИЯ конституцион суди мамлакат президентини сайлаш борасида умумхалқ референдуми ўтказиш бўйича конституцияга ўзгартиш киритиш ғоясини рад этди. Маълумки, Венгрияда президент парламент томонидан сиёсий партияларнинг келишуви асосида сайланади.

● ЖАЗОИР Миллий Ассамблеяси кўпчилик овоз билан «Фуқаролар тотувлиги» ҳақидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Жаҳон оммавий ахборот воситалари вакилларининг фикрича, мазкур қонуннинг кучга кириши мамлакатда янги даврни бошлаб бериши мумкин.

● ИСРОИЛНИНГ янги сайланган бош вазири Ёҳуд Барак билан Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофот ўртасида учрашув бўлди. Улар Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнларини тирилтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

● БАНГЛАДЕШДА муҳолифотдаги партиялар иттифоқи тарафдорлари эълон қилган умуммиллий иш ташлаш тартибсизликларга айланиб кетди. Оқибатда бир нафар полиция ходими ва икки нафар фуқаро қурбон бўлди. Кўплаб кишилар жароҳат олди.

ЎТМИШДА ҳам, ҳозирда ҳам «иқтидорли» башоратчилар ҳақидаги гаплар тез-тез қулоққа чалиниб турган. Мишел де Нострадамус ҳам ана шундай одамлар тоифасига киради. Мана, неча йиллардирки, унинг тахминлари гоҳ у, гоҳ бу алфозда ер курраси халқлари ҳаёт тарзига таъсир этиб келмоқда.

Англиянинг «Уорлдсворд» нашриётида Мишел де Нострадамус «башоратлари»нинг тўла тўпламини босмадан чиқди. Шуниси қизиқки, китоб аҳоли ўртасида талаш бўлиб кетди. Хорижда ҳам шундай. Жумладан, Японияда ушбу нашр 6 миллион нусхада сотилди.

Китобда ўтмиш, ҳозир ва келажак ҳақида кўпгина гаплар бор. Уларнинг айримларига ишонгинг келса, айримлари эса

ВАҲИМА ГАПНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

куракда турмайди. Хусусан, Нострадамус 1999 йилда қуролли ҳатти-ҳаракатлар обдон авжига чиқиб кетишини айтган экан. Унинг таъбирича, бу йилда «ёвузлик соҳиби осмондан тушар» эмиш.

Кўпчилик Нострадамус башоратларига турли хил назар билан қарайди. Айримлар уни лўттибозликда айбласа, айримлар учун у гўё авлиё. Аммо, закий одамлар ҳамма иш Аллоҳнинг ўзигагина боғлиқ, башорат қилмоқлик фақат унинг ишидир, деган фалсафада турибдилар. Бизнингча ҳам бу нуқтаи назар тўғрироққа ўхшайди.

УРУШ — ФОЖЕА

АФРИКА қитъасидаги катта давлатлардан бири бўлмиш Конго Демократик Республикасида ўн ойдан буён давом этиб келаётган уруш ҳаракатлари мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига жиддий равишда салбий таъсир кўрсатди. Аҳоли ўртасида қашшоқлик, ишсизлик, ўғирлик, гиёҳвандлик сингари иллатлар тобора кўпайиб бормоқда. Чунки, КДР марказий ҳукумати мамлакатнинг бутун ҳудудини тўлиқ назорат қилишга ожизлик қилмоқда.

Ўз навбатида исёнчи кучлар ва уларнинг иттифоқчилари КДРнинг шарқий туманларини ўз билигича идора қилиб келмоқдалар. Хусусан, мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири Киссангани ҳам исёнчилар назоратида турибди. Урушдан илгари бу шаҳар аҳолиси пойтахт Киншаса билан фаол савдо алоқалари ҳисобига келадиган даромаддан кун кечирарди. Одамлар Конго дарёси орқали пойтахтга турли-туман ҳунармандчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари олиб бориб, эвазига озиқ-овқат ҳамда бошқа зарур буюмлар харид қилиб қайтишарди. Уруш туфайли эса бундай алоқалар узилиб қолди.

Исёнчиларни қўллаб-қувватлаётган Уганда ва Руандадан келтирилаётган озиқ-овқатлар эса ўта қиммат. Аҳолининг қашшоқлашуви оқибатида қорни тўйиб овқат емайдиганлар сони тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда махсус мурувват марказларида очарчиликдан азоб чекаётган 1200га яқин бола бор.

Мамлакатда уруш давом этаётган бир шароитда халқаро ташкилотларнинг Конгода кўнгилдагидек фаолият кўрсатиши ҳақида гапириш қийин. Улар, ҳатто, КДРдаги аҳвол ҳақида етарли маълумот тўплаш, аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга ҳам имкон топа олмаётирлар.

Африка, Оврупо ва бошқа қитъадаги мутараққий давлатларнинг раҳбарлари Конго можаросини ҳал этиш йўлида фаол саъй-ҳаракатлар кўрсатмоқдалар. Бироқ, улар ҳозирча ижобий натижа бермаётир. КДР бошига тушган уруш фожеасини йўқотишда БМТ катта мавқега эга бўлиши мумкин. БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари ҳам ушбу муаммо хусусида бош қотирмоқдалар. АҚШ эса БМТ КДР атрофидаги можаронн тинчитишга киришса, БМТ тинчликни сақлаш кучлари таркибида Американинг чекланган кўшинлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдирди.

ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

● ГРИПП билан тез-тез касал бўлиб турган одамлар саратон (рак) дардига мубтало бўлишдан сақланар эканлар. Бу янгиликдан тавба, дейишингиз мумкин. Лекин, Олмониянинг Геттинген доирилфунуни олимлари ана шундай шов-шувга сабаб бўлган назарияни олға сурдилар. 600 нафар хаста устида ўтказилган тажрибалар баайни шундай хулоса чиқаришга асос бўлди. Шифокор олимлар ва мутахассислар бу кашфиётни охирига етказиш учун яна бироз муддат керак, деб ҳисобламоқдалар.

ИБРАТНОМА

АХИР АСЛИНГГА ТОРТАСАН

БИР замонда меҳнаткаш, билимдон, донишманд бир чол бўлган экан. У дунёдаги ҳамма илмларни ўрганган, улар орасида сеҳргарлик илми ҳам бор экан.

Донишманд дунёни кўп кезибди. Олам ташвишларидан чарчаб, осуда бир жой — ўрмонда яшашни ихтиёр қилибди. Ва бир неча йил ўрмонда яшабди. Ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтгач, донишманд зерика бошлабди. Бир куни у ўйлаб-ўйлаб сеҳргарлик илмидан фойдаланиб, ўзининг итини, тулки, чумолини одамга айлантирмоқчи бўлибди. Ўз фикри ўзига ёқиб тушиб, мақсадини амалга оширибди. Донишманд ўзининг янги дўстлари Тулкивой, Итполвон, Чумолижонлар билан яшай бошлабди. Аммо донишманд ўзини қанчалик мажбурламасин янги дўстларига кўникишга, уларга чин дилдан кўнгил қўйишга юрагининг туб-тубидан нимадир халақит берар экан. Донишманд кун ўтган сайин ўз дўстларини инсонларга ёт бўлган хислатларини кўра бошлабди... Тулкивой — жуда айёр экан, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймас, кўзга қараб туриб ёлғон гапириб тураверар экан. Итполвон бироз яхши, меҳрибон, аммо кеч бўлди дегунча, эшик ёнига ўтириб олиб, ўзидан-ўзи бақира бошлар экан. Чумоливой эса бутунлай бошқача камгап. Биров билан иши йўқ, ғимир-ғимир қилиб нималарнидир топиб келар, ўзи ҳам емас, бировга ҳам бермас, қаергадир яшириб қўяр экан.

Бир куни донишманд оғриб қолибди. Минг афсуски «дўстлари» ўзи билан ўзи эмиш... Чунки уларда инсонлардаги каби ачиниш туйғуси йўқ эканда!... Донишманд боши ёстиққа текканда ўз хатосини англаб етибди. Ва уларни асл ҳолига қайтаришга қарор қилибди. У соғайиб оёққа, турганда қарорини амалга ошириб, ўз «дўстларини» асл ҳолига қайтарибди.

Алқисса: «Қазисан-қартасан асл зотингга тортасан», деган нақл шундан қолган бўлса ажаб эрмас.

ҚАРЗИНГ БЎЛМАСИН

Ваққос исмли бир ҳунарманд одам бўлган экан. Ваққосни қўлидан ҳеч бир иш қочиб қутилолмас экан. Лекин минг афсуски баъзан бошлаган ишини охиригача етказолмай қолар экан.

Негаки у бир дардга чалинган бўлиб, дарди тутган вақтида бир-икки ойлаб ётиб қолар экан. Шу боис одамлар унга камроқ буюртма беришар экан. Баъзан Ваққос ҳақида гап кетса: «У усталарнинг пири, аммо дард еб қўйяпти-да», деб қўйишар экан.

Бир куни Ваққос қарз кўтариб бўлса ҳам даволанишга қарор қилибди. У кимдан қарз кўтаришни роса ўйлабди. Деворда-рмиён кўшним ҳар қалай йўқ демас дея, ён кўшнисиникига чиқибди. Айтганидек қўшниси йўқ демабди. Ваққос пулни олиб, табиб қайдасан дея, йўлга чиқибди. Кун, ҳафта, ойлар ўтиб уч ой деганда Ваққос уйига қайтиб келибди. Уни кўриб одамлар ҳайратдан ёқа ушлашибди. Негаки у анча тўлишган, кўзлари кулиб-чақнаб турар, юзлари қип-қизил нақш олмадек эмиш. Буни қарангки уста иши юришиб, бирин-кетин буюртмалар ола бошлабди. У ҳар бир ишга юрагини — меҳрини бериб ишлабди. Тез кунда қўшнисининг қарзидан ҳам қутилибди. Ойлар, йиллар ўтган сари ишларига ривож бериб, обрўйи ҳам ортиб борибди. Бир куни Ваққос чойхонада гурунглашиб ўтирса, қарз бериб турган қўшниси гердайиб: «Ваққосжон, сен мендан бир умр қарздорсан. Негаки менинг пулларим сени ҳаётга қайтарди. Агар мен пул бериб турмаганимда аллақачон ўлиб кетардинг», дебди. Еу гапга ҳеч ким эътибор қилмабди. Аммо Ваққоснинг жон-жонидан ўтиб кетибди. Бир-икки кун ичида у адойитамом бўлибди. Аввалги ҳолига тушиб, ётиб қолибди. Ҳеч қанча ўтмай, ичидаги дардини ҳеч кимга айтмай, бу ёруғ дунёга тўёлмай, болаларини орзу-ҳавасини кўролмай оламдан ўтибди.

Шу-шу халқ орасида, «Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин» деган нақл юрар экан.

Севдора ЛАТИПОВА.

Ёзувчиларнинг янги асарлари

ИСФАНДИЁР

ИНТИҚОМ

(Романдан парчалар)

«Ж-жин урсин, қўнадими ёки йўқми? Жавоб берармикин, бермасмикин? — Александр Белов лабларини тишлаганча, орқа ўриндикни тўғриб мудраб ўтирган Ҳабибовга қаршисидаги кўзгу орқали эҳтиёткорона бокди. — Балки, мазам бўлмаяпти деб сездирмасдан қуённи суриб қоларман...» У нордон нарса егандай афтини бужмайтирди: биринчидан хўжайин ҳеч қандай касаллик-масалликка ишонмайди, бир марта ишончидан чиққан одамдан эса қўлини ювиб қўлтиққа уради. Иккинчидан, шаҳарга сездирмай бориб келишнинг ҳеч бир иложи йўқ — ўзингнинг оғайничалишларинг элдан бурун суюнчи сўраб, чопишади ва йўлдаёқ тутиб олишади. Учинчидан... Бешинчидан.. Ўнинчидан... Фақат қип-қизил аҳмоққина сўзсиз бу ердан жўнаб қолишга таваккал қилиши мумкин. Аҳмаджон Ҳабибович бундай ўзбошимчаликларни кечирмайди.

«Волга» сўнгги тепаликка кўтарилди ва шувиллаб ҳавони кесганча қуйига эниб кетди. Йўлни сиқиб турган тоғлар баайни сурилиб, чекиниб, онда-сонда нимжон буталар ўсиб ётган жонсиз қўнғир қияликларга эврилдилар. Ва мана шу ўлик манзарада туйқусдан юз кўрсатиб қоладиган, улкан ҳарфлар ҳосил қилаётган тўқ-яшил тоғолчалар кишини ҳайратга солади. Тўрт йил бурун Ҳабибов тоғолдининг тириклик асорати йўқ тақир ерларидан ҳам фойдаланмоқчи бўлди — тепага сув чиқаришнинг эпини қиларкан, одамларга бунёд этилаётган боғларда дарахтларни шундай ўтқазишни буюрдики, токи улар шиорлар ҳосил қилсин. «Узоқдан кўринсин, ҳар бир кишининг кўз олдида турсин бу сўзлар!» — дея фармон берди Ҳабибов. Чиндан ҳам, адирнинг исталган нуқтасидан туриб сароб янглиғ хира туман ортида аранг кўзга ташланадиган, деярли осмон билан қоришиб кетган қияликларда ҳаяжонли хитоблар яққол кўзга ташланарди: йўлнинг бир томонида «КПССга шон-шарафлар!», иккинчи томонида эса «Халқ ва партия — ажралмасдир!». Бу жумлалар, агар шаҳар томон борилса, сурилиб келиб, тобора ўсиб борар, ҳарфлар маҳобати билан ҳайратга соларди.

Белов ҳарфлар ҳосил қилувчи дарахтларга шунчаки кўз қирини ташлаб қўйди — кўникиб қолган. Фақат одатига кўра яна бир лаҳзага хомуш тортиб қолди — бу боғ-шиорлар ортида, тоғлар бағрида Файзиевнинг кўкнори ва наша майдонлари бор эди. Агар янглишмаса, «шон-шарафлар!» ортида наша, «Халқ ва партия...» ортида эса кўкнори. Жек Руби кайф чоғи оғзидан гуллаб қўйганди. У билади: ойига бир марта, мунтазам чемодан билан Тошкент ва Москвага учиб қолади. У ёқдан эса икки қўли бўш ҳолда қайтади. Чемоданда нима борлигини эса бурун суқмаган тешиги қолмаган, бошидан кўп балоларни ўтказган Саня Беловга тушунтириб ўтиришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ.

Белов хўрсинғини ичига ютди. «Агар Жек Рубининг ишончига кирсам эди, Марям холанинг, Ғайнулланинг томорқаларидаги арзимаган кўкноридан воз кечардим. Светка бошлаб юрган манови ўйинларни ҳам бир четга суриб қўйса бўларди!» У яна кўзгуга ўгринча кўз ташлади. Ҳабибов нигоҳини ҳис қилдими киприкларини аста кўтариб, уйқусираб қараганди, Белов дарҳол хушомадомуз жилмайди. «Бу сафар ҳам Светка бармоғини сўриб қолаверади, бошқа иложиям йўқ», — деган қарорга келди у.

Ҳамишагидай, кутилмаганда сафарни ихтиёр қилиб қолган Ҳабибов ўз хўжалигини икки кун мобайнида назардан ўтказди; у далалар, боғлар, узоқ отарлар, пахта тозалаш заводлари, консерва ва терини қайта ишлаш корхоналари, тикувчилик фабрикаларида осмондан тушгандай тўсатдан пайдо бўлиб қолар, шиддат билан ҳамма-ҳамма нарсани текширар, жазолар ва мукофотлар, сўнг шу заҳотиёқ ўзининг «Сангам» номли бирлашмасининг бошқа жойидан қалқиб чиқиш учун изсиз ғойиб бўларди-қоларди. Ва мана шу икки кун мобайнида Белов асабийлашиб, ўзини қўярга жой тополмай юрди: хўжайин бирон жойда ушланиб қолса-я! Унда ҳамма нарсани оёғи осмондан бўлди, деяверинг. Бугун албатта шаҳарда бўлиши шарт. Албатта! Светка область раҳбарларининг қабулига айнан шу бугунга ёзиб қўйган. Шубҳасиз, баъзи бирларига ўз масалалари бўйича қабул соатларини мўлжаллаб эрта ё индин борса ҳам бўлаверади, бироқ улар майда балиқчалар. Энг каттаконига эса ойлаб навбат кутиш керак бўлади. Агар бугун боролмаса — Светка тириклайин ейди. Шусиз ҳам қулоғини қоқиб қўлига берган: «Қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим: дугоналар топдим, материаллар тўпладим, энди уларни кўрсатиш қолди, холос. Нима, шунгаям ўзим борайми?! Мени ахир мижозлар кўришган, эслаб қолишган, танишади. Эркакмисан ё ҳажиқиз? Кўзингга қара лекин, — ўзим бораман-а!» Борадиям бу телба. Унда... Бу фикрнинг ўзиданоқ иссиғи чиқиб кетган Белов беихтиёр ғужанак бўлганча жон-жаҳди билан тезликни алмаштирди. Ҳаракати кескинлиги боисми, машина бир қалқиб кетди.

Ўрнидан оғир қўзғалган Ҳабибов норози тарзда ғулдираб қўйди, ҳатто кўзгуга қараб қўйишга журъат этолмаган Белов эса ўкинч аралаш баттар бужмайди: «Тамом энди қўйвормайди! Кайфияти бузуқ».

«Волга» уфқда кўзга ташланиб турган тоғларга қадар туташиб кетган, икки томонидан бир текис ғўзалар ўсиб ётган йўлнинг очиқ қисмини босиб ўтди.

Сўл ва ўнг тарафда йўл бўйлаб экилган тут дарахтларининг қалин тўрини ёриб ўтган қўёш нурлари асфальтни бўғлантираётгандай туюлади. Яшил тутзор кулранг чанг қоплаб олган заминни кўздан пана қилиб турарди. Машина салқингина туюлган бу йўлакдан елиб ўтди-да, шаҳар биқинидаги баайни қўғирчоқдай мўъжаз, оқ ва қизил ғиштлардан пишиқ-пухта қурилган уйлар жойлашган кўчага чиқиб олди. Ҳабибов бу ердаги маҳаллани икки кун ичида булдозерлар билан суриб ташлаб — ҳар қалай, вилоят марказидан келадиган йўлда дақиқунусдан қолган чолдеворларга пиширибқўйибдими — замонавий биноларни бирлашма ҳисобидан қуриб ташлади.

Тўғри, бу янги уйларнинг эгалари хешуруғларига шикоят қилиб чарчамасдиларки, гўё товада яшаётгандекмиз, ҳамма ёқ шип-шийдон, на боғ бор, на токзор, тандирни-ку гапирмаёқ қўя қолайлик, ҳатто ёзлик шийпон қуриш ҳам мумкин эмас. Аммо табиийки, раҳбарият ҳол сўраганда бу муаммолар хусусида лом-мим дейилмас, билъакс, беадад ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдириб, ўз бахтиёрликларини ошкор этишга ошиқардилар.

— Идорагами, Аҳмаджон Ҳабибович? — дея кўтаринки оҳангда сўради Белов, бироқ, хатосини вақтида англаб қолди-ю, дарҳол уни ювиб юборишга уринди: — Тўғрироғи, бошқармагами демоқчийдим...

Беловнинг ранги ўчди: яна бир хатоликка йўл қўйди, яна хўжайиннинг ғазабини қўзғатди: Ҳабибов ўз қўналғасини «идора» деб аташларини ёқтирмасди, эҳтимол, бу сўзда қандайдир беписандлик оҳанглари бордек туюлар, унга.

— Уйга! — бўғиқ овозда тўнғиллади Ҳабибов.

Тезлиги пасайган машина марказдаги алвон гулларга чулғанган қизил гранит супа устида бронза Ленин қад ростлаб турган, асфальтланган майдонга аста кириб келди. «Волга» майдонни шошилмасдан айланиб, район партия комитети, райисполком, прокуратура, халқ суди, универсам ёнидан ўтдида — Аҳмаджон Ҳабибович қўрғонга қайтиб келганини ҳамма билиши, кўриши учунми, мудом шу одатини қўймасди. Юксак тераклар оғушида собиқ Скобелевский, ҳозирда Советская деб аталадиган, бронза доҳий ишчан қиёфада кўрсатиб турган сокингина кўчага бурилди.

Қачонлардир оддийгина, аҳлатларга тўла ариқ бўлган, бироқ Аҳмаджон Ҳабибович амри билан тозаланиб, сув юргизилган ариқ устидаги кенг бетон йўлдан оҳиста ўтган «Волга» бутун даҳани эгаллаган ғиштин девордаги баланд, тўқ яшил рангга бўялган темир дарвоза ёнида тўхтади. Аввалларибу ерда инқилобдан олдин қурилган уйлар ва ҳужралар бўларди. Уларда совет фуқаролари яшашар ва табиийки, оилалар кўпайиб, фарзандлар улғайиб, турмуш қуриб, уйланиб ўз болаларига эга бўлгач ҳам ота-оналарининг иссиқ бағирларини тарк этгилари келмаган, ҳовлиларда одам ақли бовар қилмайдиган даражада турли-туман, вақтинчалик кулбачалар, омонат қўналғалар қуриб олишгандики, кейинроқ бориб ҳам улардан биронтаси бузилмади. Натижада даҳа бир куни келиб беўхшов, қинғир-қийшиқ, илонизи жинкўчаларга эга яшаш маконига айланди-қолди. Шундоққина марказда хунукдан-хунук, антисанитария ҳолатидаги хилват чакалакзор пайдо бўлди-қолди. «Қандайдир бир Нью-Йоркдагидай», — дея таъриф берди Ҳабибов район ижроия қўмитаси йиғилишида. Унинг фикрини маъқуллашди ва тез орада шармандали даҳанинг барча аҳолисини «Сангам» ҳудудида улар учун махсус қурилган икки-уч қаватли уйларга кўчириб ўтказишди.

(Давоми бор).

НИЯТЛАРИ УШАЛГАН ЙИГИТ

...1973 ЙИЛНИНГ кеч кузи. Борликда кузакнинг намхуш ҳавоси ҳукмрон. Яқиндагина ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг асфальт йўллар ялтираб, йўл четидаги катта-кичик чуқурчаларда кўлмакчалар пайдо бўлган. Йўлда машиналар ҳаракати бир зум ҳам тинмайди.

Ана шундай кунлардан бирида Тўйтепанинг қоқ марказида фалокат рўй берди. «Болалар дунёси» дўкони томон югуриб ўтаётган икки ёшли болакайни юк машинаси уриб кетди. Бола машинанинг орқадаги тиркама ғилдираклари орасида қолган, қонга беланган ҳолда қимир этмай ётарди. Шу топда атрофга йиғилганларнинг хаёлидан мудҳиш фикр ўтиб турган бўлса-да, бир-бировларидан «ишқилиб тирикмикан», дея ботинмайгина сўрашарди.

Болани зудлик билан касалхонага олиб кетишди. Унинг жароҳати оғир, ўнг оёғи бир неча жойидан синган, болдир суяги эзилиб кетган эди. Шифокорлар уни дарҳол операцияга ётқизишди. Аммо, боланинг аҳволи ҳадеганда ўнгланавермади. Кечагина кўчакўйни тўлдириб, пилдираб юрган болакай кетма-кет операциялардан кейин бир оёғидан ажраб, ногирон бўлиб қолди...

...1996 йил. Москва шаҳри. Ногиронлар футболи бўйича Россия Федерациясида очиқ чемпионат эндигина якунланган эди. Кескин курашлар остида ўтган бу чемпионатда икки бор жаҳон Кубоги соҳиби — Ўзбекистон жамоаси ғолиб чиқди. Борликни ҳаяжонга тўлдириб, мустақил Ўзбекистоннинг мадҳияси янгради, майдон узра байроғимиз барча байроқлардан баландроқ ҳилпиради. Ана шу дамда кўксида ғолиблик рамзи — олтин медал ярқираб, кубокни мағрур кўтариб турган қўлтиқтаёқли басавлат ўзбек йигитига қадалган минглаб нигоҳларда ҳавас ҳам, ҳавонч ҳам, изтироб ҳам — барча-барчаси мужассам эди. Юртдошларимизнинг ана шу дақиқалардаги шодликлари севинч ёшларига айланиб, беихтиёр юзларни ювиб тушарди...

...Улуғбек кўз ёшларини ёмон кўради. Аммо, унинг ҳаётида гоҳ аламли, гоҳ кувонч онларига сабаб бўладиган ҳодисалар жуда кўп бўлган. Юқорида баён қилганларимиз уларнинг баъзиларигина, холос. Икки ёшида ўнг оёғидан ажраган қаҳрамонимиз — Улуғбек Валихўжаев ҳозир 27 ёшда. Унинг умр йўли тўрт мучаси соғ бўлган ҳар қандай инсон ҳавас қиладиган даражада мазмунли. У жуда ёшлигиданоқ инсонни баркамол ва мард қиладиган машғулот — спортга катта иштиёқ билан кириб келди. Пўлат Усмонов, Тоҳир Омилов каби ажойиб устозлари сабаб, спортда ўз ўрнини топди ва яхши натижаларга эриша бошлади. Улуғбек ҳаётда юракдаги шижоати вужудидаги нуқсондан устун кела олишини дилдан ҳис қиларди. Болалигида иккала оёғидан ажралса ҳам урушда жасорат кўрсатиб, қаҳрамон бўлган матонатли учувчи ҳақида кўп эшитган ва ўқиган эди. Унинг жасорати мурғак қалбига ўрнашиб қолган, ўзи ҳам шунга ўхшашга интиларди.

Улуғбек ёш бўлса-да, ўз устида тинимсиз ишлади. Машғулотларга қатнашдан эринмади. 1989 йилда таэквондо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сафида иштирок этиб, Ўрта Осиё мамлакатлари бўйича ўтказилган кўргазмали чиқишларда биринчи ўринни қўлга киритди. Устозлари ёрдамида «Матонат» республика ногиронлар футбол клубига аъзо бўлди. Бир йилдан кейин эса терма жамоа таркибида АҚШда ўтказилган жаҳон кубоги ўйинларида иштирок этди. 1991 йили жаҳон Кубогининг эгаси — мустақил Ўзбекистон терма жамоаси бўлди. Албатта, бу ғалабада Улуғбек Валихўжаевнинг ҳам ҳиссаси катта эди.

Улуғбек мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон терма жамоасининг асосий ўйинчиларидан бири сифатида жаҳон кубоги мусобақаларида иштирок этиб келмоқда. У яқинда Англияда ўтказилган мусобақаларда ҳам қатнашиб келди. Жаҳон миқёсидаги бу галги чемпионат бизнинг ҳамюртларимиз учун анча қийин кечди. Турли сабабларга кўра терма жамоа таркибида етитагина ўйинчи иштирок этди. Кам куч билан, айниқса, Бразилия, Англия, Россия каби кучли терма жамоаларга қарши ўйнаш осон эмас эди. Бунинг устига Улуғбекнинг белидан олган жароҳати ҳали тўла битиб кетмаганди. Мана шундай оғир шароитда ҳам йигитларимиз чинакам жўмардлик кўрсатишди. Улар ғолиблар сафидан муносиб жой олишди ва кумуш медал совриндори бўлишди.

Улуғбек Валихўжаев ҳозир республика ногиронлар футболида анча таниқли. У терма команда аъзоси бўлиш билан бир қаторда «Байналмилал» футбол жамоаси йўриқчиси ҳамдир. Унинг ҳавас қилса арзийдиган оиласи бор. Тиббиёт ҳамшираси бўлган Фотимахон билан тотув турмуш қуриб келишяпти. Икки нафар фарзандлари бор.

Улуғбек шу кунларда ногиронлар футболининг ўн йиллигига бағишлаб кузда Тошкентда ўтказиладиган халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўряпти. Насиб этса футбол муҳлислари Улуғбек ва унга ўхшаган чинакам матонатли йигитларимизнинг чиройли ўйинларига яна гувоҳ бўладилар.

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ, Ўртачирчиқ тумани.

Спорт — менинг тақдиримда

Шифокор огоҳлантиради

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЗАҲАР

ВИЛОЯТИМИЗДА асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Деҳқонлар, боғбонлар экинзору мевазорларда бегона ўтларга қарши турли кимёвий моддаларни сотиб олиб ишлатадилар. Уларни қандай сақлаш йўлларини, ўзлари ҳимояланишлари тартибларини билмайдилар. Оқибатда бундай дорилардан захарланиб ҳаётлари хавф остида қолаётганлар бўлмоқда.

Шундай ҳол рўй бермаслиги учун кимёвий моддаларни махсус ажратилган жойларда, маҳкам ёпиладиган идишларда сақлаш керак бўлади. Экинга дори сепаётганда муҳофаза воситаларидан, яъни алоҳида кийим, қўлқоп, кўзойнак, юзни тўсувчи ниқоблардан фойдаланиш зарур.

Ҳосилотлар дорилардан фойдаланишни назорат остига олишлари шарт. Дори сепилган далаларга болалар, ҳомиладор аёллар мутлақо қадам босмаслиги лозим.

Яна бир маслаҳат: озиқ-овқатлардан бўшаган идишларда зинҳор кимёвий моддаларни сақламанг. Болалар эътиборсизлик оқибатида билиб-билмай ичиб қўйиш ҳоллари юз беряпти. Ҳар йили заҳарланишдан эҳтиёт бўлиш тўғрисида огоҳлантиришимизга қарамай, бепарволикка йўл қўяётганлар сони камаймаяпти. Ўйлаймизки, бу сафар маслаҳатларимиз зое кетмайди. Чунки, ҳар кимнинг ҳаёти ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам азиз ва қадрлидир.

Владимир АНДРИЯНОВ, Вилоят санитария эпидемиология станцияси бош шифокори.

ФУТБОЛ

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ МАЙДОНДА



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жаомаси Ливанда ўтказиладиган Осиё чемпионати саралаш баҳсларига тайёргарликни бошлаб юбордилар. Самарқандда ўтказилаётган халқаро турнирда чемпионат пешқадами «Самарқанд», Ўзбекистон ҳамда Малайзия терма жамоалари иштирок этмоқдалар.

Турнирнинг биринчи учрашувида майдонга Малайзия терма жамоаси билан «Самарқанд» жамоаси тушди. Улар ўртасидаги ўтган қизғин кураш майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди. Меҳмонлар қўпол хатога йўл қўйганликлари учун ўн бир метрлик жарима тўпи билан жазоландилар. Уни моҳир ҳужумчи Илҳом Шарипов аниқ дарвозага йўллади. Иккинчи учрашувда Ўзбекистон ва Малайзия терма жамоалари учрашдилар. Ўйин ўзбекистонлик футболчилар устунлигида ўтди. 30-дақиқада Николай Ширшов рақиблар дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни очган бўлса, сўнгра Миржалол Қосимов ўн бир метрлик жарима тўпини аниқ дарвозага йўллаб, ҳисобни 2:0га ўзгартирди. Киритилган тўплардан сўнг ҳам Ўзбекистон футболчилари ҳужумни бўшаштирмадилар ва Даврон Файзиев рақиб дарвозасига учинчи тўпни киритди. Бу учрашув 3:0 ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси ғалабаси билан якунланди. Кеча Ўзбекистон терма жамоаси «Самарқанд» футболчилари турнир ғолиби номини олиш учун майдонга тушдилар.

Талъат ЮСУПОВ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 14-18 июль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Шамолнинг тезлиги жойларда 17-22 метрга етади. Ҳаво ҳарорати шу даврнинг бошида кечаси 14-19, кейинроқ эса 17-22; кундуз кунлари дастлаб 25-30, ҳафта охирида 31-36 даража атрофида бўлади.

Бу қизиқ

ДИНОЗАВРЛАР ҚАНДАЙ КЎПАЙГАН

● ХИТОЙНИНГ Хэнан вилоятида 1993 йилда динозаврларнинг тош бўлиб қотиб қолган тухумлари топилган эди. Олимлар неча бор уларнинг ичини ёриб кўрдилар.

1995 йилнинг охирларида динозавр тухумларини тадқиқот қилиш пайтида уларнинг бирида жониворнинг пуштига дуч келдилар. Унинг боши, елкаси, оёқ-қўллари аниқ фарқланиб турарди. Бу топилма тадқиқотлар давомида динозаврларнинг эволюцияси ва ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиш сабабларини ўрганишда ёрдам беради.

МИНГДАН ЗИЁД ТИШИ БОР

● АМЕРИКА боғларида яшайдиган шиллиқ қуртларнинг бири тишларининг кўплиги билан ҳайратомуздир. Бу соҳада табиат унга катта саҳийлик қилган. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларига қараганда, бу жониворнинг тиши 14175та экан. Шунча тиш унга нима учун кераклиги номаълум.

ХИРА ПАШША

● ПАШША ҳира, жирканч жонивор. Буни ҳамма билади. Лекин унинг қандай ифлослик манбаи эканлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Бўлмаса билиб қўйинг: битта пашша жисмида 6 миллионта, танаси ичида эса 28 миллионта ҳар хил бактериялар бор. Буни кўп кишилар ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Айни вақтда у ниҳоятда сергашт бўлиб, тез кўпаяди. Бир жуфт пашша апрелдан октябрга қадар ўн саккизта рақам билан ҳисобланадиган миқдорда насл беради.

Тошкент шаҳридаги 26-ўрта мактаб томонидан 1982 йилда Алимжонов Батир Закирович номига берилган BN№ 858235 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай туманидаги 17-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1998 йилда Йўлчиева Дилдора Акбаралиевна номига берилган O'R-A 363237 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Акмал Икромов тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Мўминова Гулшод Бадритдиновнага савдо-сотиқ билан шуғулланиш учуун берилган ДУМАЛОҚ МУҲР йўқолганлиги учун **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги «ПОЛАТ-ХОЖИ» хусусий фирмасининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ ва БУРЧАК штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги Ўзбекистон таэквон-до «ИТФ» ассоциациясига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0535. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6